



Халқ сўзи

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 22 ноябрь, № 241 (8864)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСINI ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 ноябрь куни амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Россия Федерацияси Бош прокурори Игорь Красновни қабул қилди.



Икки томонлама кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Терроризм, экстремизм, кибержидошлар, коррупция ва ноқонуний

миграцияга қарши курашиш соҳаларида, жиноий активларни қайтариш, сунъий интеллектни жорий этиш ва рақамлаштириш борасида бош прокуратуралар ўртасидаги ҳамкорликнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз прокуратура

идоралари ўртасида яқин мулоқотни йўлга қўйиш, ўзаро алоқа ва алмашинувларни кенгайтириш, қўшма тадбирлар ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

СПОРТ СОҲАСИ — ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ Йўналиши

Президент Шавкат Мирзиёев 21 ноябрь куни ёшларни спортга кенг жалб этишга оид таклифлар тақдироти билан танишди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳамда Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили бўйича давлат дастури доирасида навқирон авлодга кенг имкониятлар яратилмоқда. 10 миллиондан зиёд аҳоли оммавий спорт билан шуғулланмоқда. Барча ҳудудларда, таълим ва меҳнат жамоаларида турли мусобақалар ўтказилмоқда.

Давлат дастурида жамоавий спорт турларини янада ривожлантириш ва оммалаштириш вазифаси белгиланган. Шунга мувофиқ қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Масалан, жамоавий спорт турлари бўйича “Маҳалла лигаси” ва “Мактаб лигаси” мусобақаларини йўлга қўйиш таклиф этилмоқда. Давлат олий таълим муассасаларида спорт клублари ташкил қилиш, улар ўртасида “Талабалар лигаси”, “Вазир кубоги” ва “Ректор кубоги” каби мусобақалар ўтказиб бориш кўзда тутилмоқда.

Жамоавий спорт турлари бўйича миллий лигалар қўллаб-қувватланади. Маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида ҳудудий спорт клублари тўзилади. “ERP Sport” электрон тизимида иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва селекция қилиш жорий этилади.

Ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Таклифга кўра ҳафтанинг ҳар пайшанба куни “Жисмоний тарбия ва спорт куни” сифатида белгиланади. Жалб қилинган ёшлар сони ҳамда эришилган натижаларга қараб спорт мактаблари ходимларига устама берилади. Шунингдек, инфратузилмадан келиб чиқиб, муассасалар муайян спорт турларига ихтисослаштириб борилади.

Тизим мактабларида оммавий спорт бўйича тренер-селекционер лавозими жорий этилиб, уларга бештагача маҳалла ва таълим муассасалари бириктирилади. Маҳаллаларда тўғрақлар ташкил этган тренерлар қўшимча рағбатлантирилади.

Президент спорт соҳаси ёшларга оид давлат сиёсатининг катта йўналиши эканини таъкидлаб, жойларда бу борадаги қулайликларни кенгайтириш, ёш авлодни ҳар томонлама етук этиб тарбиялаш бўйича фикрларини билдирди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ АЪЗОЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2024 йил 21 ноябрдаги тегишли қарорлари билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзоллигига номзодлар маъқулланди.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддасига мувофиқ;

Ачилбай Жуманиязович Раматов — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари;

Джамшид Анварович Кучкаров — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва молия вазيري;

Жамшид Абдухакимович Ходжаев — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари;

Зулайхо Бахриддиновна Махкамоева — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси;

Лазиз Шавкатович Қудратов — Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазيري;

Ботир Эркинович Захидов — Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазيري;

Иброҳим Юлчиевич Абдурахмонов — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги вазيري;

Шавкат Раҳимович Хамраев — Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалиги вазيري;

Шерзод Саиджанович Хидоят — Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-ҳой коммунал ҳўжалиги вазيري;

Илҳам Рустамович Махкамов — Ўзбекистон Республикаси транспорт вазيري;

Жўрабек Турсунплатович Мирзамаҳмудов — Ўзбекистон Республикаси энергетика вазيري;

Бобир Фарҳадович Исламов — Ўзбекистон Республикаси тоғ-кон саноати ва геология вазيري;

Шерзод Хотамович Шерматов — Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазيري;

Азиз Абдуқаҳарович Абдухакимов — Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазيري;

Асильбек Анварович Худайров — Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазيري;

Хилола Уктамовна Умарова — Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазيري;

Конгратбай Авесимбетович Шарипов — Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазيري;

Адхам Илҳамович Икрамов — Ўзбекистон Республикаси спорт вазيري;

Озодбек Аҳмадович Назарбеков — Ўзбекистон Республикаси маданият вазيري;

Ақбар Джўрабаевич Ташқулов — Ўзбекистон Республикаси адлия вазيري;

Бахтиёр Одилович Саидов — Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазيري;

Абдулла Хамидуллаевич Қулдашев — Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазيري;

Пўлат Раззақович Бобоқонов — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазيري;

Баҳодир Низамович Қурбанов — Ўзбекистон Республикаси судроқ вазيري Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича кирад.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазيري А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 21 ноябрь

ХОРИЖДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН ВАТАНДОШЛАРГА БИР ҚАТОР ҲУҚУҚ ВА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Юртимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этишга интилаётган ватандошларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини имзолади.

Қарор хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни қўллаб-қувватлаш, тарихий Ватани атрофида янада жипслаштириш, қалби ва онгида юрт билан фахрланиш туйғусини юксалтириш, миллий ўзлигини сақлаб қолиш ва улар билан доимий мулоқотни кенгайтиришга қаратилган.

“Ватандош” тушунчаси сифатида — келиб чиқishi Ўзбекистон ҳудудидан бўлган ёхуд этник, тил ва маданий-тарихий нуқтаи назардан ўзини ўзбеклар ёки қорақалпоқлар сифатида идентификация қилган, Ўзбекистон Республикаси билан маданий-гуманитар, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қилаётган шахслар ва уларнинг авлодлари тушунилмоқда.

Ҳужжат билан ватандошларга қўшимча ҳуқуқ ва имтиёзлар берадиган “Ватандош” гувоҳномаси ҳамда “Ватандош” картаси жорий этилмоқда.

“Ватандош” гувоҳномаси — юртимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган хориждаги ватандошларга берилади ҳамда “Ватандош картаси”ни олиш учун асос бўлади. “Ватандош” картаси — 5 йилгача муддатга ID-карта шаклида расмийлаштирилади.

Гувоҳнома ва карта Ўзбекистонда акция (улуш) сотиб олган, хорижий ёки қўшма корхона ташкил қилган, юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, халқаро имижига янада юксалишига ҳисса қўшган ватандошларга берилади.

Бунда ушбу гувоҳнома ва картага эга бўлган ватандошларга қуйидаги ҳуқуқ ва имтиёзлар берилади:

- Ўзбекистон ҳудудига визасиз кириш ва чиқиш;
- Ўзбекистон ҳудудида ишлаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатсиз меҳнат фаолиятини олиб боришда Ўзбекистон ҳудудида яшаш гувоҳномаси талаб қилинмайди;
- кўчмас мулк сотиб олишда чет эл фуқароларига нисбатан белгиланган кўчмас мулк миқдорлари татбиқ этилмайди;
- ўзи ва оила аъзоларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган шартларда тиббий, таълим ва бошқа давлат хизматларидан фойдаланиш;
- оила аъзоларига давлат божсиз кўп марталиқ виза олиш ва унинг амал қилиш муддатини Ўзбекистон ҳудудидан чиқмасдан узайтириш;
- оила аъзоларини вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишда давлат божидан озод қилиш.

“Ватандош” гувоҳномасини бериш тўғрисидаги қарор идоралараро коллегиял орган — Комиссия томонидан қабул қилинади.

Мазкур қарор билан белгиланган ҳуқуқ ва имтиёзлар мамлакатимиз тараққиётига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшаётган ватандошларимизни рағбатлантириш бўйича тизимли ишларнинг мантиқий давомидир.

Қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, қарордан келиб чиққан қонунчилик ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш юзасидан масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Конунчилик палатасида

Депутатлар Ҳукумат таркибини маъқулладилар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ҳукумат аъзоллигига номзодларни кўриб чиқди. Янги тахирдаги Конституциямизнинг 94-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдими биноан Вазирлар Маҳкамаси аъзоллигига номзодларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколати ҳисобланади.

Шунга кўра мамлакатимиз раҳбари томонидан Вазирлар Маҳкамаси аъзоллигига 24 нафар номзод тақдим этилди. Бундай янги демократик тартиб-тамоийл том маънода халқ иродасини ифодалаб, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ҳамда фуқаролар олдидаги масъулиятини янада оширади.

Таъкидланганидек, қуйи палата қўмиталари томонидан ўтказилган йўғилишларда қўмиталарнинг фаолият

йўғилишидан келиб чиқиб депутатлар ҳар бир номзоднинг келгусидаги дастурлари билан танишди. Шунингдек, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари йўғилишларида ҳам Ҳукумат аъзоллигига номзодлар дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Ушбу мажлисларда Ҳукумат аъзоллигига номзодлар ўз ҳаракат режалари тўғрисида маълумот беришди. Фракциялар аъзолари партиялар сайловолди дастурлари ҳамда электрат ман-

фаатидан келиб чиқиб долзарб масалаларни кўтарди ва бир қатор таклифларни илгари сурдилар.

Мажлисида Президент тақдимига кўра Вазирлар Маҳкамаси аъзоллигига кўрсатилган 24 нафар номзод бирма-бир кўриб чиқилди.

Депутатлар давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номзодини кўриб чиқишга бағишланган мажлисидаги нутқида белгилаб берилган долзарб вазифаларни бажаришда Ҳукуматнинг Қонунчилик палатаси билан янада самарали ҳамкорлик олиб бориши муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.



МИЛЛИЙ ТАФАККУР ТАНАЗЗУЛИ...

Германиялик сиёсий шарҳловчи, «Berliner Zeitung» нашри Геосиёсат бўлими раҳбари Томас Фасбендернинг сиёсатшунос Кудратилла Рафиқов билан «Ўзбекистондан «Янги Ўзбекистон»гача: йўқотилган қалбни излаб...» номли суҳбатини ўқиб, кўнглимдан ўтган ўйлар

Миллат ўзи учун энг муҳим бўлган миллий тафаккурини, яъни ўйлаш, фикрлаш имкониятини асраб қолиши жуда зарур эканига юқоридagi суҳбатни ўқиб, яна бир бор иймон келтирдим.

Туркий халқлар ва дунё адабиётининг йирик намояндаси Чингиз Айтматов тафаккурдан айрилиш ҳодисасини “манкуртлик” деган бир сўз билан ифодалайди. Манкуртга айланиш ёки манкуртга айлантирилиш ҳодисаси тарихда ҳам, бугун ҳам кўп учрайди. Миллатнинг миллий тафаккурга бўлган эҳтиёжини ифодалашда сиёсатшунос Кудратилла Рафиқов мутлақо янги иборани ишлатади — “йўқотилган қалбни излаб...”.

Акс садо

Қалби йўқолган, йўқотилган миллат, балки моддий томондан фаровон яшар. Лекин у озод фикрлашдан маҳрум бўлади. У эркинлик туйғусини ҳис этмайди, ҳис этолмайди. У қарамликни, қулликни курашсиз, норизо бўлмасдан, табиий қабул қилади. У бўйсуниб, муте бўлиб яшайди. Бундай одам учун муқаддас тушунчанинг ўзи йўқ. Мана қалбни йўқотиб қўйиш қандай аянчли ахволга олиб келади. Қалб йўқотилиши миллат таназзулини билдиради. Миллатимиз қалбни сўғуриб олганлар ўз вақтида мана шу ёвуз мақсадни кўзлаган эди.

Мустанлақчилик зулмига қўнқикан миллат, ҳатто мустанлақчиликнинг ҳам мазмун-моҳиятига етиб бормайди. Унинг тафакку-

рида кўрқув, ҳадик ҳукмронлик қилади. У эркинлик ҳавосидан нафас ололмайди. Унинг ўпкаси рутубатга, чиркинликка тўлган. Қайсидир маънода биз мустанлақчиликнинг йиғирма беш йилини мана шундай вазиятда ўтказдик.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев миллатга миллий тафаккурини қайтарди. Миллатга фикрлаш, ўйлаш, эркин сўз айтиш туйғуларини қайтариб берди. 25 йил давом этган қалбни излаш азобида барҳам берилди. Миллий тафаккури қайтариб берилган миллат ўзининг тарихий илдизларини англаб етди.

Узоққа бориш керак эмас. Миллий тафаккуримиз таназзули оқибатида, ҳатто

Марказий Осиёда ҳам яққаланиб, ёлғизланиб қолган эдик. Бунинг натижасида бир неча бор урушгача етиб борадиган таҳликалий вазиятлар юз берди. Қони бир, жони бир, тили бир, дини бир халқлар бўлашди. Миллий тафаккур таназзули тўғрисида биз дунёдан юз ўғирдик. Ўзбекистон, ҳатто Туркий тилли давлатлар ташкилотига ҳам аъзо эмасди. Бу таназзул келтирган салбий оқибатларни эслангун ҳам келмайди — у сабаб қанчадан-қанча инсонлар фарёд кечди, зор қакшди.

Фақат 2016 йилга келиб, Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил тўлгандан сўнг Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси, халқпарвар ва миллатпарвар сиёсати тўғрисида Ўзбекистон ўзгарди. Ўзбекистон янгилади. Ўзбекистон дунёга очилди. Ҳеч ким кутмаган, тасаввур ҳам қила олмаган Янги Ўзбекистон яратилди.

Янги Ўзбекистон... Шу ўринда нимага Янги Ўзбекистон деган савол туғилади. Менинг назаримда, бу ном миллатни миллий тафаккурсиз яшаган даврларидан узоқлаштиради. Манкуртлик иллатига нисбатан исённи англатади.

Бугун Шавкат Мирзиёевнинг Янги Ўзбекистонда қалбни қидираётганлар эмас, балки тафаккури уйғоқ миллат яшайди.

Бир кун келиб моддий муаммолар ечилишини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Лекин маъ-

навий таназзулни бартараф этиш учун йиллар, ҳатто асрлар ҳам етмайди. Миллатни миллий тафаккур таназзулидан олиб чиққанларни миллий қаҳрамон деб аташ керак. АҚШнинг биринчи Президенти Жорж Вашингтоннинг ўз вақтида, америка халқи томонидан “Миллатнинг ишончли отаси” деб аталгани бежиз эмас, албатта.

Сиёсатшунос Кудратилла Рафиқов билан суҳбатда илгари ҳеч қачон ишлатилмаган қуйидаги ибораларга ҳам эътиборингизни қаратмоқчиман: “Марказий Осиё даражасида яқдил фикрлаш”, “ўйинчи катта куч марказлари манфаати”, “ижтимоий-сиёсий тушунлик, ишонсизлик даври”, “миллий тафаккур”, “давлатнинг колонизализм мафкурасига мойиллиги”, “ёлғиз ва дунёдан узилган давлат”, “миллий давлат ва миллат қуриш жараёни”, “урушлар, босқинлар тарихининг бир бўлган экан, демек, ҳукмронлар ва мазлумлар доим бўлади”...

Миллатни миллий тафаккур таназзулидан олиб чиқиш ҳақидаги ниятда чуқур таҳлилий суҳбатни ўқиб, жуда таъсирландим. Бугун бизга юзаси гаплар, баландпарвоз мактотлар эмас, айнан мана шундай таҳлиллар зарур.

Рустам ХОЛИМУРОВ,
Самарқанд давлат университети ректори,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Муносабат

СЕНАТ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР УЧУН ДАСТУРИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисидаги нутқи парламент юқори палатаси ва маҳаллий Кенгашлар учун дастурий аҳамиятга эга бўлди. Зеро, нутқда уларнинг фаолиятини янгича ташкил қилиш, сенатор ҳамда депутатлар фаоллигини ошириш билан bogлиқ амалий тақлиф ва ташаббуслар билдирилди.

Сенаторлар мазкур вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва ислохотларнинг ҳозирги bosқичидаги аҳамияти ҳақида ўз фикрларини шундай баён этди.

Хар биримизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди

Зиё Азамат ҲАМИД ЎҒЛИ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:



— Бугун мамлакатимизда янгиланган Конституция асосида олиб борилаётган демократик ислохотлар изчиллик билан давом эттирилиб, салмоқли натижалар қўлга кириштирилмоқда. Маҳаллий Кенгашлар фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган муҳим чора-

тадбирлар ҳамда сайё-ҳаракатлар мисолида бунни қўриш мумкин. Бундан қўзғалган мақсад аниқ — жойларда ислохотларни тезлаштириш. Маҳаллий Кенгашларнинг фаоллашуви эса бу борада айнаи мудоаодир.

Маълумки, бугунги кунда Олий Мажлис Сенатининг устувор вазифаларидан бири ҳам маҳаллий Кенгашларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаолиятига қўмаклашишдан иборат. Бу ҳаёт тақозоси. Гап шундаки, мазкур йўналишдаги ислохотлар самараси ўлароқ ҳокимларнинг 33 та ваколати маҳаллий Кенгашларга ўтказилди. Маҳаллий Кенгашлар бу ваколатлардан унумли фойдаланиши учун уларга ҳуқуқий, услубий ва амалий ёрдам айтиш. Сенат ана шу жараёнда ўз сўзини айтиши керак бўлади.

Тарихий йўналишда Президентимиз яна бир қатор ваколатларни маҳаллий Кенгашларга бериш режалаштирилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу билан давлат бошқаруви аҳолига яқинлаштириш ҳамда жойларда вакиллик органлари ролини ошириш мақсад қилинган. Бунда ҳам Сенатнинг бевосита фаоллиги талаб этилади. Бу, шубҳасиз, хар бир сенатор зиммасига улкан масъулият юклайди.

Бугун биз давлат бошқарувининг пастки бўғинларига кўпроқ ваколат бериш жараёни ортга қайтмас тус олганга гувоҳ бўлиб турибмиз. Масалан, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида сайловлар орқали Кенгаш раислари тайинланди. Бу эса маҳаллий давлат ҳокимияти даражасида ўзаро тийиб туриш ва мувоzanатни ҳамда сиёсий жараёнларда шаффоқлики таъминлашга хизмат қилади.

Худудий бошқарув «аҳоли манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида йўлга қўйилади

Хусан ЭРМАТОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:



— Янги шаклланган Олий Мажлис Сенати ўз фаолиятини мутлақо янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитда олиб боради. Бу борадаги муҳим янгиллик сифатида юқори палатанинг маҳаллий Кенгашлар фаолиятига амалий ва услубий қўмак қўрсатиш йўналишидаги фаолияти янада қўлайтирилганлигини келтириш мумкин. Шуларга мос равишда сенаторларнинг ваколатлари кенгайтирилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида сенаторларнинг олдига қўйган вазифалар ҳам айнан шу ваколатларнинг халқ манфаатлари учун самарали амалга оширилишига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Янгиланган Конституциямизда Сенатга маҳаллий Кенгашларнинг қарорлари қонунчиликка мувофиқлигини таъминлаш юзасидан катта масъулият юклатилган бўлиб, ўтган қисқа давр мобайнида бу борада салмоқли ишлар рўёбга чиқарилди. Жумладан, Олий Мажлис Сенати девони таркибида Худудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази тўзилди. Унинг фаолияти эса худудий бошқарувни «аҳоли манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида йўлга қўйишга қаратилган кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттиришга қўмаклашишдан иборатдир.

Олдимизда турган вазифалар жуда кўп. Масалан, биз Сенат ҳузурида ташкил этилган марказ имкониятларидан самарали фойдаланишимиз керак. Ушбу марказ орқали хар бир худудда қарорлар қонунийлиги ва самардорлигини чуқур ўрганиб, мавжуд камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш учун зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳам муҳим. Бу нафақат маҳаллий Кенгашлар ишини яхшилайти, айнаи чоғда халқнинг уларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Кўмиталар назорат-таҳлил фаолиятидан унумли фойдаланишимиз керак

Покиза АҲМАДЖОНОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси:



— Президентимизнинг бу галги чиқиши ҳам тақлифлар ва ташаббусларга бой бўлди. Жумладан, мамлакат тараққиёти билан bogлиқ ислохотлар жараёнида Сенатнинг иштирокини қўлайтиришга қаратилган бир қатор устувор тақлифлар илгари сурилди, долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Нутқда Сенат ва унинг қўмиталари ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатларини худуд ва тармоқларга бириктириб, камбағалликни қисқартириш билан bogлиқ жараёни парламент ва депутатлик назоратига олиш, масъуллардан хар ой ва хар қоракда бу борада сўров талаб қилиш кераклиги алоҳида ургуланди.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда юртимизда камбағалликни қисқартиришга қаратилган қатор дастурлар амалга оширилди. Бунинг натижасида мамлакатимизда камбағаллик даражаси 2019 йилдаги 23 фойздан 2023 йил якуни билан 11 фойзга туширилди.

Бугунги тезкор даврда шу натижа билан қийоғланиб қолиш мумкин эмас. Шу боис “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида 2026 йилга қадар камбағалликни 2022 йилдагига нисбатан 2 баробар, 2030 йилга қадар эса кескин қисқартириш мақсад қилинган. Бунинг учун камбағалликка тушиш хавфи мавжуд бўлган 4,5 миллион аҳоли даромадини ошириш кўзда тутилган.

Мазкур залварли вазифаларга эришишда Сенат қўмиталари назорат-таҳлил фаолиятидан янада унумли фойдаланишимиз керак бўлади. Бунда назорат жараёни фақат ҳисоботларни тинглаш билан чекланмаслиги керак, балки жойлардаги реал вазиятни чуқур ўрганиш, мавжуд муаммоларни аниқ таҳлил қилиш талаб этилади. Шу сабабли қўмиталар фаолиятини янада қўлайтириб, тизимли ёндашуви жорий этишимиз зарур. Айниқса, хар бир сенатор ва маҳаллий Кенгаш депутатининг ўз худудида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижросини назоратга олиши, ижроичилар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиши мақсадга мувофиқ.

Албатта, бу жараёнлар биз, сенаторлардан янада фаол бўлишни талаб этади. Халқимиз томонидан бизга билдирилган юксак ишончини оқлашга ва халқ вакили деган мақома муносиб бўлиб, юртимиз тараққиёти йўлида бор куч-ғайратимизни сафарбар қилишга тайёримиз.

«Халқ сўзи».



Шундан келиб чиқиб Ҳукумат аъзоллигига номзодлар олдида қатор масалалар қўйилди. Халқ вакиллари-нинг маҳаллий инвесторларни қўллаб-қувватлаш учун хорижий инвесторлар билан бир хил имтиёзлар бериш, камбағалликни қисқартириш

бўйича тегишли чора-тадбирларни режалаштириш, йўл-транспорт ҳодисаларини қамайтиришга эътибор қаратиш, йўл инфратузилмасини яхшилаш, сунъий интеллект технологияларидан самарали фойдаланиш, мактаблардаги таълим сифатини оширишга оид бир

қатор саволларига атраф-лича жавоблар олинди. Мажлисда кун тартибидеги масалалар юзасидан сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларининг муносабатлари эшитилди. Ўз навбатида, вазирликлар жойларда мавжуд муаммоларни ҳал қилишда қуйи палата,

унинг қўмиталари билан ҳамкорлик доирасини кенгайтиришлари мақсада мувофиқлиги қайд этилди.

Савол-жавоб, фикр-мулоҳазалардан сўнг Ҳукумат аъзоллигига номзодлар депутатлар томонидан маъқулланди.

«Халқ сўзи».

Бурч ва масъулият ҳисси

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бош вазир номзодини қўриб чиқишга бағишланган мажлисдаги нутқи кенг қамровли, аниқ тақлиф ва амалий ташаббусларга бой бўлгани билан том маънода дастуриламал ҳужжат бўлди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ўтган беш йилда қабул қилинган дастурлар ижроси қай даражада амалга оширилганига тўхталиб, шаклланаётган янги Ҳукумат олдида турган улкан вазифаларга эътибор қаратди.

Фикр

Жумладан, Ўзбекистон иқтисодиёти 100 миллиард долларлик тарихий маррадан ошиб, аҳоли жан бошига даромад 3 минг долларга етгани, электр энергияси ҳажми 1,5 қарра ўсиб 83 млрд. киловатт-соатга етгани, сўнгги уч йилда умумий қуввати 2,7 млн. киловатт-соат бўлган 9 та йирик қуёш ва шамол станциялари ишга туширилиб, қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига олинган энергия улуши ўтган йилдагига нисбатан 2 баробар қўнайган мамлакатда тарихий ишлар амалга оширилатганининг аққол исботидир.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 160 млрд. долларга етказиш мақсад қилинган. Бу кўрсаткич эса жорий йилнинг ўзида 110 млрд. долларга етиши кутилмоқда. Албатта, бу ўз вақтида қўрилаётган изчил чора-тадбирлар ва ишга солинаётган кенг имкониятлар натижасидир. Агар шундай сўрат жадал давом эттирилса, 2030 йилга бориб мамлакатимиз иқтисодиёти ҳажмини 200 млрд. долларга етказиш мумкин. Бу, аввало, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини кескин яхшилашга туртки бўлади.

Мамлакатимиз раҳбари келгуси беш йилда аҳолиимизнинг демография ўсишини ҳисобга олган ҳолда камбағалликни қисқартириш, экология, энергетика, транспорт, йўл, ичимлик суви таъминоти, аҳолини



уй-жой билан таъминлаш каби муҳим соҳаларда халқимизнинг талаб ва эҳтиёжлари тобора ўсиб бораётганини инобатга олиб, Ҳукумат фаолиятининг энг муҳим йўналишларини белгилаб берди. Хусусан, келгуси йилда бир миллион аҳолини камбағалликдан чиқариш, саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштириш бўйича катта дастур қабул қилиш, келгуси беш йилда иқтисодиётнинг хусусий сектордаги улушини 85 фойзга етказиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ўртача умр қўриш даражасини 78 ёшга етказиш учун бирлаштириб тиббий хизматларнинг сифатини ошириш, богчаларда қамровни 80 фойзга, олийгоҳларда эса камида 50 фойзга етказиш Ҳукуматнинг асосий вазифаси бўлиб қолиши таъкидланди.

Шунингдек, Ҳукуматнинг Қонунчилик палатаси билан янада самарали ҳамкорлик олиб бориши муҳим аҳамиятга эгаллиги ҳамда халқимизга хизмат қилувчи халқчил қонунлар қабул қилиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан юртимизда 2025 йилнинг “Атраф-

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА ОИД ИСЛОХОТЛАР ИЖРОСИДА ЯНАДА ФАОЛЛИК ЗАРУР

Кейинги уч кун мобайнида мамлакатимизда муҳим сиёсий жараёнлар кузатилади. Дастлаб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги ilk мажлиси, ундан сўнг Олий Мажлис Сенатининг биринчи ялпи мажлиси, куни кеча эса Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазир номзодини қўриб чиқиш ва маъқуллашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Нуктаи назар

Эътиборлиси, хар учала анжуманда ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг янги Ўзбекистоннинг келгуси режа ва муҳим ташаббусларини ҳамжиҳатлиқда баҳаришга қорлаган тарихий нутқининг гувоҳи бўлди. Давлат раҳбари иштирокида демократик тамойиллар асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзолари, кенг жамоатчилик билан мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги тараққиёти ҳақида атраф-лича фикр алмашилди.

Муҳокама қилинган барча ташаббус ва режаларни, уларда илгари сурилган гоа, мақсад ва вазифаларни, моҳиятига кўра Олий Мажлис ва халқимизга давлатимиз раҳбарининг навбатдаги Мурожаатномаси дейиш мумкин.

Авалло, шунчи таъкидлаш керакки, янги Ўзбекистонни барпо этишга киришганимизга саккиз йил бўлди. Ўтган шу қисқа вақт мобайнида барча соҳа қаторида амалга оширилган сиёсий ислохотларда қўлга киритилаётган ютуқ ва марралар халқимизнинг сиёсий тафаккури туддан ўзгарганида, сиёсий маданияти сезиларли даражада юксалганида, қолаверса, сиёсий партияларнинг хамият ҳаётидаги рол ва иштироки қўлайганида ҳам намоён бўлмоқда. Бундан 27 октябрь куни мамлакатимизда янги тахрирдаги Конституцияда белгилаб берилган қондалар асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига ўтказилган сайловлар натижалари ҳам исботлаб турибди.

Бу шунчаки баянларово гаплар эмас, барчаси реал ҳаётда намоён бўлмоқда ва бевосита гувоҳимиз. Мисол учун, Ҳукумат билан тенг равишда халқ ва сиёсий партиялар ислохотларга тайёрлиги сайловлар ilk бор араш — мажоритар ва пропорционал сайлов тизими асосида ўтказилишига мустаҳкам замин яратди.

Бу йилги сайловда рақамли технологиялар имкониятларидан ҳам самарали фойдаланилди. Рақамли технологиялар вазирлиги билан бирга “E-saylov” ахборот тизими ишга туширилди. Энг муҳими, мазкур тизим сайловчиларга қўлайлик яратди. Улар “E-saylov” тизими орқали ўз худудидан кўрсатилаётган номзодлар ва уларнинг дастурлари ҳақида маълумот олиш имконига эга бўлди. Бу эса сайлов кунигача сайловчиларнинг номзодлар ҳақида аниқ бир тўхтамга келишига асос яратди. Сиёсий маданияти юксалган сай-



ловчиларнинг дахлдорлик тўйғусини янада юксалтиришга хизмат қилди. Халқимиз сайловда ўз фаоллигини намойиш этди. Унда овоз бериш ҳуқуқи эга сайловчиларнинг 72 фойздан ортиги қатнашди. Дунёнинг қўллаб мамлакатлариде сайловчиларнинг иштироки 30-40 фойди ташкил этаётган бир пайтда мамлакатимизда халқнинг фаоллик кўрсатиши уларнинг мамлакат тақдир ва келажакига бефарқ эмаслигини кўрсатди. Хорижий ташкилотлар ва кузатувчилар ҳам бўлиб ўтган сайлов жараёнлари халқаро стандартларга тўла мос ҳолда ўтганини эътироф этиб, уларга юқори баҳо берди.

Катта куч ва улкан имкониятлар билан

Бу йилги парламент сайлови айнан янги тахрирдаги Конституциямизга мувофиқ ўтказилган ilk сайлов сифатида тарихга кирди. Ваҳоланки, қўллаб давлатларда бундай ислохотларни ўтказиш учун ўн йиллар керак бўлади.

Шакллантирилган янги халқ вакиллари тизими айни шу асосда катта куч билан, катта имкониятлар билан ҳуқуқ ва ваколатлари сезиларли даражада қўлайтирилган ҳолда парламентга қадам қўйди.

Давлатимиз раҳбари Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлисидаги нутқида ушбу жиҳатларга алоҳида тўхталар экан, имкониятларни қаторида масъулият ҳам бир неча қарра ортан янги таркибдаги Олий Мажлис ўз фаолиятини натижадорликка йўналтириб, қонуний ваколатларидан аниқ мақсад йўлида, самарали фойдаланиш устида жиддий иш олиб бориши зарурлигига алоҳида ургу берди.

Мамлакат етакчисининг нутқини тинглаб биз, депутатлар ҳам зиммамиздаги масъулият нечоғли муҳим эканини янада теранроқ ҳис қилаямиз.

Президент Қонунчилик палатаси олдидаги янги вазифалар ҳақида ўз фикрларини билдирар экан, аввало, фуқаролик хамияти институтлари билан мулоқотни қўлайтириш мақсадида хар бир қўмита қошида уларнинг вакилларидан иборат жамоатчилик кенгашлари тузиш тақлифини билдирди.

Дарҳақиқат, қонун ижодкорлигида жамоатчилик фикрини билиш энг муҳим масала. Парламент фуқаролик хамияти институтлари орқали жамоатчилик фикрини, муаммоларни ва ечимларни билиб, қонунчилик фаолиятини такомиллаштириш имконига эга бўлади. Қонун лойиҳаларини муҳокама қилишда ҳам фуқаролик хамияти институтлари билан ҳамкорлик самардорлик келтиради. Қолаверса, парламент фуқаролик хамияти институтлари билан мулоқот орқали жамоатчиликнинг қонунчилик жараёнига иштирокчини ошириб, демократияни мустаҳкамлашга ҳисса қўшади. Бундан ташқари, очик мулоқот орқали парламент ўз фаолиятининг шаффоқлигини оширади.

Ўз навбатида, бундай мулоқот фуқаролик хамияти институтлари учун ҳам фойда келтиради. Хусусан, фуқаролик хамияти институтлари парламент билан мулоқот орқали ўз муаммолари ва тақлифларини билдириш имконига эга бўлади. Қонунчилик жараёнига таъсир ўтказиб, ўз манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин. Жамоатчиликнинг ҳуқуқий онгини ошириб, демократик хамият қуришга ҳисса қўшади.

Пухта ўйланган муҳим ташаббуслар

Таҳлиллар бундай мулоқот хар икки томонга ҳам қўллаб фойда келтиришини қўрсатмоқда. Бу мулоқот демократияни мустаҳкамлаш, жамоатчиликнинг қонунчилик жараёнига иштирокчини ошириш, қонунчиликнинг самардорлигини ошириш ва хамиятдаги муаммоларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди. Шу нуктаи назардан, Президентимизнинг ушбу тақлифини пухта ўйланган муҳим ташаббуслардан дейиш мумкин.

Қонун ижодкорлиги, аввало, хамиятдаги долзарб масалалар ечимига қаратилиши керак. Бу борада ҳам давлатимиз раҳбари томонидан қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди. Жумладан, эскирган уйлар ўрнида замонавий турар-жойлар қуриш, фуқароларнинг уй-жой қурилишига йўналтирилган маблағларини қафолатли ҳимоя қилиш, хусусий таълим ва электр энергетикаси соҳасида инвесторларни қўллаб-қувватлаш, мажбурий

тиббий сугурта ва сунъий интеллектни қўллаш, франчайзинг, капитал бозори, стартаплар соҳасидаги муносабатларнинг қонуний асосларини яратиш вазифаси қўйилди.

Дарҳақиқат, франчайзинг, капитал бозори ва стартаплар соҳасидаги муносабатларнинг қонуний асосларини яратиш — бу хар бир соҳанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ўзаро ҳамкорлигини тартибга солиш ва ривожлантириш учун муҳим. Бу борада қонуний асосларнинг яратилиши франчайзинг шартномасининг талабларини, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларини белгилайди.

Франчайзинг тизими орқали бизнесни ривожлантириш учун қўлчанча капитал бозоридан фойдаланилади. Франчайзерлар ўз франчайзингларига молиявий ресурсларни жалб қилишда ёрдам бериш, шунингдек, ушбу тизимдаги бизнес моделларини капитал бозориде инвестицияларни жалб қилиш учун жозибадор қилиши мумкин. Капитал бозори стартаплар ва франчайзинг тизимидаги бизнес моделлари учун инвестицияларни жалб қилиш учун муҳим платформа бўлиб хизмат қилади. Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш орқали франчайзинг, капитал бозори ва стартаплар соҳасидаги муносабатларнинг қонуний асосларини яратиш натижасида уларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш ва иқтисодиётнинг барқарор ўсишига ҳисса қўиши мумкин.

Демак, ушбу вазифаларни чекитирмасдан бажариш парламент олдида турган энг устувор вазифалар сирасидан дейиш мумкин.

Парламент назоратида кенг қўламли, сифатли назорат тизимидаги ўтиш зарурлиги таъкидланди. Хусусан, янги тахрирдаги Конституциямизга кўра Давлат бюджет ижроси устидан назоратни амалга ошириш Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатига кирди. Шу боис палатанинг бу борадаги ишини янада қўлайтириш, жумладан, Ҳукуматнинг давлат бюджетига доир барча ҳисоботларини палатига фақат Бюджет кодексига белгиланган аудит ҳужжаси билан биригаликда киритиш амалиётига ўтиш кераклиги айтилди. Бу эса депутатларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари, таъсир доираси сезиларли даражада қўлайтирилганидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари палатанинг сўнгги беш йилдаги фаолиятига ҳош бераар экан, бу даврда мамлакатимиз Конституцияси янгиланганини алоҳида эътироф этди. Шу билан бирга, парламент эътиборидан четда қолган масалалар ҳам борлиги айтилди.

Жумладан, тўғридан-тўғри ишлайдиган ва икки ижро механизмидаги эга қонунлар улуши қамлиги, парламент ва депу-

татлик назорати кучидан тўла фойдаланилмаётгани, депутатларнинг сайлов оқруғидаги фаолияти, асосан, учрашувлар ташкил этиш, шикоят ва саволларга расмий жавоб бериш билан чекланиб қолаётганига ургу берилди. Биз келгуси қонунчиликнинг айнаи шундай камчиликларга йўл қўймаган ҳолда ташкил этишимиз мақсадга мувофиқ.

Давлатимиз раҳбари яна бир муҳим масала — дунёдаги вазиятга ййилганлар эътиборини қаратиб, тинчлик ва барқарорлиқнинг аҳамиятини таъкидлади.

Бугун жаҳон миқёсида ҳқм сураётган ўта кескин ва оғир шароитда мамлакатимизда тинчлик ва ҳамжиҳатлиқни сақлаб, иқтисодиётимизда барқарор ўсишни таъминлаш, мана шундай марраларга эришиш осон бўлмапти. Албатта, бундай барқарор муҳит замирида Президентимизнинг ташқи ва ички оқилона сиёсати, адолатли хамият қуриш йўлидаги қатъий позицияси, хар бир режа ва муҳим ташаббусларининг ҳамжиҳатлиқда муҳокама қилиниши, кенг жамоатчилик фикр-мулоҳазалари инобатга олиниб сўнг қарор қабул қилинаётгани каби омиллар муҳассам.

Янги ваколатларга эга парламент шаклланди

Фикримизни кучи кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазир номзодини қўриб чиқишга бағишланган мажлиси, унда кўтаришган масалалар муҳокамаси, у асосида қабул қилинган сўнгги қарорлар ҳам исботлайди.

Анжуманда келгуси беш йилда мамлакатимиз аҳолиси 40 миллиондан ортиши кутилётгани, бундай демографияф ўсиш, албатта, катта имконият, лекин шу билан бирга бу ҳолат олдимизга янги-янги, ўткир вазифаларни қўйиши ҳам шубҳасизлиги таъкидланди. Айниқса, камбағалликни қисқартириш, экология, энергетика, транспорт, йўл, ичимлик суви таъминоти, аҳолини уй-жой билан таъминлаш каби муҳим соҳаларда халқимизнинг талаб ва эҳтиёжлари тобора ўсиб бораётганига эътибор қаратилди.

Шундай долзарб муаммоларга самарали ечимлар топиб, янгица фаолият олиб бориш Ҳукумат учун жиддий синов бўлиши табиийлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда жорий ва стратегик вазифаларни бажаришда барча бўғиндаги ижро органлари, аввало, Ҳукумат зиммасига катта вазифалар юклатилишига алоҳида эътибор қаратди. Янги ваколатларга эга бўлган парламент шаклланди ва уларга янги вазифалар юкланди. Бу вазифаларни амалга оширишда кучли ижро ҳокимияти жуда

зарур. Зеро, янги Ўзбекистонни барпо этиш бўсағасида турган хамиятимиз, халқимизга яраша ислохотлар ҳам қонунчилик соҳасида, ҳам ижро органи орқали ўз адекватлигини йўқотмаслиги зарур.

Шавкат Мирзиёев ilk бор Президентлик лавозимига киришган кундан бошлаб барча раҳбар кадрлар фаолиятининг асосий мезони сифатида халқ давлат идораларига эмас, аксинча, давлат ташкилотлари халқга унинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши зарурлигини таъкидлаган эди. Ушбу позицияда қатъий турган ҳолда бунга яна бир қарра эслатди. Қонун қабул қилинмиши, у албатта ишлаши, одамлар ҳаётида сезиларли ўзгариш қилиши кераклигини яна бир бор кўрсатиб ўтди. Шунинг баробарида янги Ўзбекистон янги парламенти билан бирга ўз тараққиётининг хал қилувчи босқич

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда 2024 йил 27 октябрь куни бўлиб ўтган сайловлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг 38 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Бу Ўзбекистон тарихида энг юқори кўрсаткич бўлди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари туман, шаҳар, кент шаҳар ва йилла (тош)лар Кенгашларига сайлов натижаларига кўра маҳаллий Кенгашлар таркибига янги сайланган депутатларнинг 32,6 фоизи хотин-қизларни ташкил қилди.

Ушбу самараларга, ҳеч шубҳасиз, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг шарофати билан эришилди. Чунки Асосий Қонуниimizin 58-моддасида: “Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар. Давлат хотин-қизлар ва эркекларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди”, деб белгиланган.

Мазкур конституциявий кафолатлар бугунги кунда ҳаётимизнинг барча соҳасида ўз ибодатини топмоқда. Хусусан, шу асосда Сайлов кодексига киритилган ўзгариштирилларга кўра эндиликда хотин-қизлар сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар сонининг камида 40 фоизини ташкил қилиши шарт. Аввал бу талаб бўйича кўрсаткич 30 фоиз эди.

Бундай муҳим талаб яқинда бўлиб ўтган сайловларда иштирок этган аёл номзодлар сони изчил кўнайишига туртки берди. Шунга яраша натижа ҳам, таъбир жоиз бўлса, юртимизда гендер сиёсати доирасида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган жадал ислохотлар моҳиятига мос даражада бўлди.

Буларнинг барчаси бежиз эмас. Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 75-йўлией сессиясида қайд этганидек, биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда.

Бу ҳақда фикр юритганда, 2023 йилда хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган қонунчилик асосларини тақомиллаштириш йўналишида 13 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганини таъкидлаш лозим. Жумладан, 3 та қонун, Президентнинг 2 та Фармони ва 2 та қарори ҳамда ҳукуматнинг 6 та қарори тасдиқланди.

Янада аниқ айтганда, “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”, “Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” ҳамда “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги янги қонунлар қабул

қилинди. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳукумат ва жамиятдаги ролини оширишга, бандлигини таъминлашга, аёллар тадбиркорлигини ҳамда илм-фан ва технологиялар соҳасидаги иштирокини ривожлантиришга, муҳтож аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ўнлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилмоқда.

Шунингдек, Президентимизнинг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан 2022 — 2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳасида фаоллигини ошириш бўйича миллий дастур тасдиқланди. Мазкур ҳужжат билан хотин-қизларнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгилан олдинда ва амалий ижроси таъминланяпти.

Янада муҳими, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида аёлларимизга бўлган эътиборни энг куйи бўғин — маҳаллагача етказиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг янги тизими яратилиши белгиланди. Шу мақсадда Тараққиёт стратегиясининг 69-мақсади “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш” деб номланди.

Ўз навбатида, Тараққиёт стратегиясининг 60-мақсадида репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича долзарб масалалар қамраб олинган. Шунингдек, 85-мақсад доирасида аёллар орасидаги ишсизлик даражасини 2 баробар камайтириш, 80 мингдан зиёд ишсиз хотин-қизларни давлат ҳисобидан касб-хунарга ўқитиш, хотин-қизларни тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси гендер тенгликка эришиш стратегияси ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда. Гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2024 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастуридан истикболдаги янада муҳим масалалар ўрин олгани, аинқиса, эътиборга лойиқ. Айни шу дастурий ҳужжатлар ижроси доирасида, жумладан, хотин-қизларнинг таълим олишига қўшимча шарт-шароитлар яратиш, илм-фан соҳасида аёлларнинг ўрни янада оширишга катта эътибор қаратиляпти.



Жойларда имтиёзли кредитлар ва лизинг ажратиш, хотин-қизларни ишга жалб қилган ҳолда кооперация усулида тадбиркорликни йўлга қўйиш масалалари доимий диққат марказида турибди. Аинқиса, “аёллар дафтери”га киритилган ва жарроҳлик амалиёти ўтказиши лозим бўлган хотин-қизларнинг тиббий муолажа харажатларини қоплаб беришдек эзгу амаллар изчил бажарилмоқда.

Буларнинг барчаси гендер тенглик масаласи Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилганининг ўзига хос исботидир. Мамлакатимиз хотин-қизларни камситиш ва таъқиб қилишининг барча шаклидан ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий ҳимоя этишни назарда тутувчи халқаро шартномаларга қўшилди.

Меҳнат кодекси ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга хотин-қизлар учун таъқилланган касбий фаолият соҳаларини қисқартириш, қонунчиликдаги гендер-ассиметрик қоидаларни бартараф этишга қаратилган қўшимчалар ва ўзгариштириллар киритилди. Аёллар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашнинг институциявий асослари янада мустаҳкамланди. Бу дастурий ҳужжатларнинг ижроси Пекин декларацияси ва Харакатлар режаси, Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция, Барқарор ривожланиш мақсадлари каби халқаро шартномалар доирасидаги мажбуриятларимизни бажаришга ҳам кўмаклашди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ҳамда нуфузини янада ошириш, уларнинг ўз салоҳиятини намоён этишлари учун шароитларни кенгайтириш, гендер тенглик, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилиб бормоқда.

Фарида ҲАҚБЕРДИЕВА,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш бўлими бош мутахассиси.

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ:

МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Давлатимиз раҳбари фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ халқни рози қилиш мақсадида ишни Президент қабулхоналари очишдан бошлагани айни муддао бўлди. Ваҳоланки, ўша кезларда жамият ва давлат тизимидан норозилик сезиларли даражада кучайиб кетган эди. Шу сабабли дастлабки кунларда халқ қабулхоналарига арз билан келувчилар қадами узилмасди. Бугун эса ушбу тизим орқали муаммо ва камчиликлар бирин-кетин изчил бартараф этилаётгани туфайли мурожаатлар сони йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Инсон қадри улуг

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қайси ҳудудда мурожаатлар ечими топилаётган бўлса, ўша жойда оммавий ва сайёр қабуллар орқали муаммо синчиклаб ўрганиляпти ва бу ўзининг самарасини бермоқда. Ўрнатилган қатъий жадвал асосида жорий йил мобайнида пойтахтда турли вазирилик ва идораларнинг ўндан ортиқ худди шундай қабулларни ташкил этилгани ҳам фикримизга аниқ мисол бўлади.

Барчамизга аёнки, тегишли Фармон билан “Маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла” тамойили асосида ҳамкорлик тизими жорий қилинган. Шунга мувофиқ жорий йилда пойтахтимиздаги мавҳуд 585 та маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган сайёр қабуллар чоғида 12125 та муаммо аниқланди ва 10 мингдан зиёд масалалар муарасиди ташкилотлар билан ҳамкорликда ижобий ҳал этилди. Ёничи мураккаб бўлган, катта маблағ ва вақт талаб қиладиган масалалар туманлар ҳокимликлари томонидан бажариладиган иш режасига киритилди.

Тошкент шаҳар халқ қабулхоналари томонидан ўтган йиллар давомида куз-киш мавсуми оғир келганидан хулоса қилиниб, бу йилги мавсумга тайёргарлик эрта

бошлаб юборилди. Май ойдан халқ қабулхоналари томонидан пойтахтимизнинг 585 та маҳалласида 4 мингдан ортиқ кўчалар, 11077 та кўп қаватли уйда уйбоши ва кўчабошилик қилаётган фаоллар ҳамда бошқарув сервис компаниялари ўртасида амалий ҳамкорлик ўрнатилди. Халқ қабулхоналари ҳузорида ташкил этилган ишчи гуруҳ штабига малялаки мутахассислар жалб қилиниб, уйбоши, кўчабоши ва бошқарув сервис компаниялари масъуллари билан манзилли мулоқот олиб боришмоқда. Халқ қабулхоналари томонидан беш босқичда олиб бориладиган ўрганишлар давомида 14800 дан ортиқ муаммолар аниқланиб, уларнинг рўйхати маҳалла ва сектор кесимида шакллантирилди.

Аниқланган муаммоларни тезкор ҳал этиш мақсадида рўйхатлар туман сектор раҳбарлари ва ташкилот, идора масъуллариға аниқ муддатларга биноан йўналтирилди. Ҳозирда муаммоларнинг 6621 таси ечим топди. 3174 та масала маблағ талаб қилганлиги сабабли ўрнатилган тартибда “йўл хариталари”га киритилди.

Шу ўринда ўтган йили ҳокимлик, суд идоралари ва соғлиқни сақлашга оид мурожаатлар сони аҳоли билан тўғридан-тўғри олиб

борилган мулоқотлар туфайли анча камайганини ҳам қайд этиб ўтиш лозим.

Мисолларга мурожаат қилсак, Яшнобод туманидаги Бехизор маҳалласининг Мунаввар 1-тор кўчасида 300 метр масофадаги таъмирталаб йўл асфальт қилиниб, ободонлаштирилди ва яшил майдонлар ташкил этилди. Олмазор туманидаги Бешкўрғон кўчаси 6-уйнинг ертўласидаги 1995 йилдан бўён таъмирланмаган оқова сув қувурлари тўлиқ янгиланди. Чилонзор туманининг Шарқ маҳалласидаги 16-уйнинг мукаммал таъмирга муҳтож том қисми, иссиқ ва совуқ сув қувурлари туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ижобий ҳал этилди. Шунингдек, Яккасарой туманидаги Қушбеги мавзеси 2-“А” уйнинг яроқсиз ҳолга келиб қолган лифти ишлатилди.

Айни чоғда халқ қабулхоналари томонидан қуз-киш мавсумини беталафот ўтказишга доир мулоқотларда аниқланган муаммолар ечимига ҳам жиддий эътибор қаратиляпти. Жумладан, Мирзо Улуғбек туманидаги “Катта Қорасув” МФЙ аҳолиси 600 метр узунликдаги яроқсиз ичимлик суви қувури тўлиқ алмаштирилди. Олмазор туманидаги “Ачаобод” МФЙ аҳолиси томонидан билдирилган мурожаатга

Сирасини айтганда, бирон-бир муаммо ҳеч қачон ўз-ўзидан вужудга келмайди: йиллар давомида йиғилиб боради. Шунинг учун ҳам муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш, ариза ва шикоятбозликнинг олдини олиш, иборали айтганда, “темири кизигида босиш” мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ташкилот ва идораларда фуқаролар қабули жадвалига қатъий риоя этиш, муаммолар ечимини кеңиктирмасдан ҳал қилиш, аҳолининг дарду ҳасратига ўз вақтида эътибор қаратиш бугунги куннинг муҳим вазифасидир.

Тоҳир МУЛЛАЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳар Халқ қабулхонаси мудир.

Биз ва жаҳон

Берлинда «Ўзбекистон маданий мероси – янги Ренессанс пойдевори» номи маданий-маърифий фестиваль ўтказилди

2025 йилда ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясининг Самарқанд шаҳрида ўтказилиши муносабати билан мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонасида “Ўзбекистон маданий мероси — янги Ренессанс пойдевори” номи маданий-маърифий фестиваль ташкил этилди.

Ўзбекистон Миллий университети ва мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонаси билан биргаликда ташкил этилган анжуманда расмийлар, академик ва ишбилармон доира, олий таълим муассасалари вакиллари, кенг жамоатчилик ва журналистлар қатнашди.

Тадбирнинг расмий очилиш қисмида мамлакатимиз элчиси Дилшод Аҳатов меҳмонларни қутлар экан, келгуси йилда юртимизда қутилаётган муҳим маданий воқелик, яъни ЮНЕСКО йиғилишининг орадан 40 йил ўтиб илк бор яна Париж шаҳридан ташқарида, Самарқандда ўтказилиши юртимиз моддий ва номоддий маданий мероси ҳамда амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинишидан далолат беришини таъкидлади.

Дипломатик ваколатхона раҳбари йиғилганларга диёримиз қадимдан цивилизация маркази бўлгани, давлатчилик, илм-фан тараққий этгани ва шунингдек, бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари ҳақида, қолаверса, ЮНЕСКО билан ҳамкорлик доирасида қўллаб маданий бойликларимиз инсониятнинг номоддий ва моддий маданий мероси рўйхатига киритилгани ҳақида батафсил тўхталди. Ўзбекистон бугун жаҳон майдонида инсоният манфаатларига хизмат қиладиган глобал ташаббусларнинг муаллифига айлангани алоҳида таъкидланди.

Германия Ташқи ишлар вазирлигининг ташқи маданий алоқалар бўйича комиссари Штефан Рёссел ўз нутқида ушбу халқаро даражадаги ютуқ билан табриқлаб, сўнги йилларда мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама ўзаро ман-

фаатли муносабатлар тобора ривожланиб бораётгани, жорий йил сентябрь ойда Германия Федерал Канцлерининг олий даражадаги расмий ташрифи чоғида эришилган келишувлар халқларимиз фаровонлигига хизмат қилиши ва Ўзбекистон қадимий маданият, санъат ўчоғи сифатида бундай эътирофга лойиқлигини таъкидлади.

Шунингдек, тадбир қатнашчилари эътиборига Ўзбекистон Миллий университети ва Анхальт амалий фанлар университети олимлари юртимиздаги ЮНЕСКОнинг Инсониятнинг номоддий маданий мероси Репрезентатив рўйхатига киритилган ноёб намуналари тўғрисидаги маърузаларни тақдим этди.

Ҳамюртимиз, таниқли хонанда Аслидин Дўстов бошчилигидаги санъаткорлар ижросидаги куй ва қўшиқлар меҳмонларга ўзбек муомтоз санъатидан баҳраманд бўлиш имконини берди. Иштирокчилар ЮНЕСКО рўйхатига киритилган “Катта ашула”, “Алла”, “Лазги”, “Сурхонча рақс” каби қўшиқ ва рақслар ижроси орқали номоддий маданий меросимиз намуналари билан бевосита танишишга муваффақ бўлди.

Фестиваль доирасида Ўзбекистон Миллий университети томонидан элчихонада ташкил этилган ўзбек миллий хунармандчилик, кулчилик, каштачилик маҳсулотлари, ипак-ҳарир матолар ва тарихий обидлар йфодаланган расм ҳамда миниатюралар, миллий мусиқа асбоблари кўргазмаси намойиш этилди. Аинқиса, халқимиз меҳмондўстлигининг рамзи — миллий анъаналаримиз ва ўзбек палови тақдироти йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Штеффен ХОРН,
«Philuro Edelmetalle» компанияси раҳбари:

— Бугунги тадбирда Ўзбекистоннинг бой маданияти, санъати, хунармандчилик йўналишлари ҳақида жуда кўп маълумотга эга бўлдим. Ўзбекистонга бормаганман, лекин бу-

гун меҳмондўст ўзбек халқи вакиллари билан қичдан танишиш, мулоқот қилиш орқали юртингиз ҳақида тасаввурга эга бўлдим.

Айниқса, ўзбек мадани-

ятининг серқирралиги, санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқ ва рақслар мени ҳайратга солди. Ушбу тадбир мени Ўзбекистонга сафар қилишига туртки бўлди, дея оламан.

«Дунё» АА.
Берлин

ТАБИАТНИНГ ДЎСТИ КЎП... ДУШМАНИ ҲАМ

Вобкентлик Ҳалим Турдиевга ўзи истиқомат қилаётган Ўзбакон маҳалласида табиат ошуфтаси, дея таъриф беришади. Бу гапда муболага йўқ. Бир муддат хорижда ишлаб, дунё кўрган йигит тўрт йилча муқаддам мўъжазгина ўрмон барпо этиш мақсадини кўнглига тугди.

Орамиздаги одамлар

Ховлиснинг шундоқ ёнида қаровсиз ётган тепалик бор. Шу тепаликда 15 сотих ерни обод қилди. Нина-баргли арча, қарағай, каштан каби манзарали дарахт кўчатларини ўтказди. Уларни суғориш муаммо эди. Идишда сув ташшишга тўғри келди. Кўчатлар остини юмшатди. Зараркундалларга қарши дориллади. Хуллас, ҳаловат билмади.

— Буни қарангки, тилу забонсиз ўсимликлар ҳам инсон меҳрини ҳис этаркан, — дейди қаҳрамонимиз. — Кўчатларинг авж олиб ўсди. Қўриб турганингиздек, йўл ёқасида кичик бир ўрмонзор пайдо бўлди.

Ишнинг бароридан келганини кўрган Ҳалим ача тепаликнинг бир қисмида олма, ўрик каби мевали дарахт кўчатлари парваришига киришди. Узумзор ҳам барпо этипти.

— Вилотиямизда Ҳалим Турдиевга ўшаган табиат ошуфтаси бўлган фидойи инсонлар жуда кўп, — дейди Ўзбекистон Экологик партияси Бухо-

ро вилоти кенгаши раиси Жаҳонгир Шарипов. — Улар шу кунларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ижросида ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Дарахтга келсак, унинг ҳаводаги қарбонат ангидридни ютиб, кислород ишлаб чиқариши барчамизга маълум. Лекин дарахтнинг она табиат, саломатлигимиз учун фойдали жиҳати шу билан чегараланиб қолмайди. У ердаги тупроқни мустаҳкам ушлайди. Илдири сувни филтрлаб, обиҳаёт сифатини яхшилайди. Сояси эса жазирама ёзда жоннинг роҳатидир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, дарахт ўзидан сув буги ажратиб чиқаради ва шу тарика об-ҳаво ҳарорати ўртасида катта фарқ бўлишига кўз илғамас тўсиқ вазифасини бажаради. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, дарахт наботот оламнинг ранг-баранглигига ҳисса қўшади. Дейлик, бир дарахт тури-

нинг батамом йўқолиб кетиши кўплаб ҳайвон турларининг барҳам топишига сабабчи бўлиши мумкин.

Бу масалага алоҳида тўхталышимиз бежиз эмас. Мана, саксовулни олиб кўринг. Қоровулбозор туманида жойлашган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида борганда саксовулзори юлғунзорларга кўзингиз тушади. Сахро бағридаги қорхона жамоаси томонидан уларнинг ҳар бир туپи асраб-авайланмоқда. Негаки, сахро экотизимини муҳофаза қилишда ўсимликлар, хусусан, саксовулнинг аҳамияти жуда катта. Табиатнинг мўъжизасини қарангки, у ерга чуқур илдиз отади. Шу йўл орқали сувга бўлган эҳтиёжини қондиради. Қурғоқчиликка бардошли саксовул чўлда тупроқ кўчишига тўсиқ бўлади. Барги эса тую ва қўйлар учун тўйимли озуқа ҳисобланади.

Энди инсоф билан айтинг-чи, шундай фойдали ўсимликка болта кўтарган кишини она табиатнинг душмани демая бўларканми? Ўзлари англаб-англамай наботот олами кушандаси-

...Яна Ҳалим Турдиев яратган мўъжаз ўрмонзорга қайтамиз. Бу ердан ўтган кишининг бахдидиёи очилди. 1500 тур арадан таралаётган тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олади. Шундай яшил гўшани барпо этганини дуо қилад.

Халқимизнинг топиб айтганича бор: яхшидан бог қолади.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Ҳар бир туман (шаҳар)да битта умумий ўрта таълим мактаби негизида «Жасорат мактаби» фаолияти йўлга қўйилади.

ДУАЛ ТАЪЛИМ

Хар қандай мамлакат тараққиёти, кўп жиҳатдан, кадрлар салоҳияти ва инсон капитали билан боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда таълим сифатини янада ошириш, ёшларимизни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялашга қаратилган сиёсат изчил давом эттирилмакда.

Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқишга бағишланган мажлисидаги нутқида келгуси йилларда боғчаларда қамровни 80 фоизга, олийгоҳларда эса камида 50 фоизга етказиш Ҳукумат учун асосий вазифа бўлиб қолишини таъкидлагани бежиз эмас.

Таҳлил

Инсон капитали умуммиллий бойлиқнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Унинг юксалиши ижтимоий ҳимоя, инсон саломатлиги, оилавий муносабатларни яхшилаш, маҳалла институтлари фаолиятини тақомиллаштириш ҳамда таълим-тарбия тизимидаги туб бурилишларга бевосита боғлиқ.

Хўш, бунда нималарга эътибор қаратиш керак? Аввало, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда интеграциялашувни кучайтириш, ҳамиятда инновацион эконимияни яратиш, миллий узлуксиз таълим-тарбия тизимида инсон капиталининг ривожланишига асосланган иқтисодиётни шакллантиришга хизмат қилувчи Миллий инновацион тизимни йўлга қўйиш лозим.

Янги билимларни яратиш, ривожлантириш, сақлаш ва тарқатиш, уларни техника-технология, маҳсулот ва хизматларга айлантиришга асосланган жараёнларни давлат ҳамда нодавлат ташкилотларининг ўзаро жамоавий уйғунлашуви билан олиб бориш мақсадга мувофиқ. Инсон капиталини кучайтириш мақсадида миллий узлуксиз таълим-тарбия тизимининг барча бўғинига инвестициялар киритишнинг изчил давом эттириш, шунингдек, кооператив таълимини ривожлантириш зарур.

Кооператив таълим турли даражадаги таълим тизимларининг кенг қўламли моделларини қамраб олади. Олий таълимда у талабалар малакасини оширишни компанияларнинг малакали ишчи кучига бўлган эҳтиёжи билан боғлашга қаратилган. Асосий мақсад — бўлгуси кадрларнинг компания қундалик ҳаётида иштирок этиши, амалий билимларни ўзлаштиришнинг тезлаштириш ва чуқурлаштириш, ҳақиқий тажриба орттириши ҳамда кўникмаларини ривожлантириши учун самарали муҳит яратиш. Бундан ташқари, амалиётдаги шогирд муҳандисларни келажақда иш берувчилар билан боғлашдир.

Ҳамкорликнинг икки муҳим модели

Олий таълим соҳасида ҳамкорликнинг икки хил моделини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бўйича лойиҳани синовдан ўтказиш ниятида қатор чора-тадбирларни ҳаётга таъбиқ этмоқдамиз.

Шулардан биринчиси — Тошкент кимё-технология институтида Кимёвий технология таълим йўналиши бўйича синов дуал таълимининг жорий қилиш. Иккинчиси — қўшимча таълимнинг синов учун қисқа муддатли кооператив шаклини яратишдан иборат.

Айтиш жоизки, дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги ўрта махсус таълим муассасаларида касб-хунар таълимида, асосан, дуал таълим (мехнатга интеграцияланган кадрлар тайёрлаш) тушунчаси мавжуд. Бунда ҳам таълим муассасаси ва компания ҳамкорлигида кадрлар тайёрлаш дастури амалга оширилади. Ҳуқуқчилар вақтларининг бир қисmini касб-хунар мактабида ёки фабрикада ўтказиб, тобора кўпроқ меҳнатга жалб қилинади. Ўрганишнинг бундай усули билимларни амалий дастурлар билан бевосита боғлаб, ҳуқуқчиларнинг амалий кўникмаларини ишлаб чиқаришда талаб даражасида ривожлантиришни таъминлайди.

Ҳозирги кунда олий таълимнинг муҳандис-



лик, иқтисодиёт ва бошқа фанлари соҳасида таълимнинг кооператив шаклининг жорий этишга мойиллик мавжуд. Бу амалий ишларни ташкил қилиш, мувофиқлаштиришга қодир соҳа манфаатдор томонларнинг талабларини ақс эттиради.

Кооператив таълим, бу бир нечта таълим турларининг бирлашган йигма номидир. Олий таълимда бу қисқа муддатли тўлиқ шогирдлик дастури ва дуал таълим деб аталадиган мутлақо параллель ўқув шакли ҳисобланади.

Олий таълимнинг кооператив шаклини ҳуқуқий тартибга солиш Европа мамлакатларида турли даражаларда кўзга ташланади. Германия ва Франция давлатлари қадимдан сигналган ва тасдиқланган бундай ҳуқуқий меъёрларга эга бўлган олий таълимнинг ватани ҳисобланади.

Дуал таълимнинг жорий этилиши касбий таълим, касб-хунар таълими ва олий таълим ўртасидаги янги муносабатларнинг шаклланишига олиб келган.

Хар уч томон учун ҳам манфаатли

Таҳлилларга кўра дуал таълим ҳар уч томон учун ҳам манфаатлидир. Яъни ҳам талаба, ҳам институт ва компания бундан фойда олиши мумкин. Уларнинг барчаси таълимнинг ушбу шаклидан фойдаланиши мумкинлиги кўрсатилган. Бутун жараёнинг асосий мақсади — кўникма, малака ва катта амалий иш тажрибаси, мулоқот маданияти ривожланган ва компанияда ишлашга муноси битирувчиларга эга бўлиш.

Дуал таълимини жорий қилган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, соҳа ҳамкорлари ўз дастурида қатнашган талабалар аксарият ҳолларда тегишли даражага етиб боришини ва улар шу талабаларга иш тақлиф қилишга тайёр эканини таъкидлаган. Талабалар қанча қўшимча билим олганлиги, қандай иштирок этиши, жамоада ишлашни ўрганиши ва умуман, ўз устозлари томонидан академик таъкидотларда қандай ёрдам олишлари ҳақида ҳисобот беришган.

Институтлар учун фойда таълимининг ҳақиқий самарали, оммабоп ва жозибдор шаклини эълон қилишлари, рақобатдош соҳа билан алоқаларни янада ривожлантиришда намоён бўлади.

Маъзур тизимда назарий ва амалий билимлар ўртасидаги мутаносибликни сақлаш масаласи мунозарали ҳолат. Талабаларнинг кўпроқ амалий кўникмаларга эга бўлиши уларнинг саноат компанияларига жалб қилинишига ёрдам беради. Бироқ мураккаб ўзлаштириш жараёнларини ҳаддан ташқари соддалаштириш асосий касбий билимлар, бошқача айтганда, аудиторияда ўрганиш каби қогнитив кўникмалар эътиборсиз қолдирилишига олиб келиши мумкин. Таълим қогни-

тив томонининг заифлиги мутахассисларнинг саноатдаги тез ўзгарувчан технологияларни ўзлаштириб олиши билан боғлиқ қийинчиликларни юзага келтиради ҳамда уларнинг тезкор мослашувчанлигини сезиларли даражада пасайтиради.

Дуал таълимда талабалар малакасини баҳолашнинг махсус усулларини қўллаш мақсадлидир. Бунда оғзаки ва ёзма ҳисобот шакллари, айниқса, ҳамкор компанияда тақдимот ўтказиш амалиётлари катта аҳамият касб этади. Бу каби ёндашувлар талабаларда кўникмаларни ривожланиш учун янги имкониятларни очади. Уларнинг малакасини баҳолаш жараёнидаги ўзаро шахсий мулоқот, институт ҳамда компания вакили фикр-мулоҳаза алмашинуви талабага соҳада ўз ўрнини топишга кўмаклашади.

2024/2025 ўқув йилида Тошкент кимё-технология институтида таълимнинг дуал шакли тажриба тариқасида йўлга қўйиш режалаштирилган.

Дастурлар ва талаблар нималардан иборат?

Институтимизда қўлланиладиган дуал таълим дастурларининг умумий мақсади ва ўзига хос хусусиятлари бор. Жумладан, академик таълим институт томонидан амалга оширилади ва амалий машғулотлар ҳамкор компания ҳудудида ташкил қилинади. Талабалар бутун ўқиш муддати учун стипендия олишади, бу 3,5 йил, яъни 7 семестрdir. Академик ва амалий билимлар иш жойида бирлаштирилган.

Жараёнда ҳодимларнинг ишда мустақиллик, ижодкорлик, муаммоларни ҳал қилиш кўникмалари, лойиҳани кўриш, жамоада ишлаш, профессионал мулоқот, чет тилини билиш, тақдимот техникаси каби қобилиятлари ривожлантирилади. Талабалар материаллар, асбоблар ва технологиялар билан ишлаш тартибини ўрганади. Икки томонлама таълим шаклида таҳсил олаётган талабалар академик дастурдан ташқари муҳим касбий тажрибани ҳам эгаллагани боис меҳнат бозорида анча яхши имкониятга эга бўлади.

Келажақда Тошкент кимё-технология институтида дуал таълимни жорий этиш ва ривожлантиришни иккита асосий маълумотлар тўплами билан тавсифлаш мумкин: дуал таълимга жалб қилинган таълим йўналишлари ва талабалар сони.

Албатта, таълим соҳасининг хусусияти ва ҳамкор компаниянинг фаолиятига қараб, ишлаб чиқариш муассасаларига талабалар таълими талаб қилинади. Заводларда ёзда режалаштирилган ўқириш ва таъмирлаш август ойида амалга ошмаслиги мумкин. Шу сабаб, таътил кунлари талаба ва компания ўртасидаги келишувга биноан ўзгариши мақсадга мувофиқ. Аммо таътилларнинг умумий давомийлиги йилга бир ойгача бўлиши керак.

Шу билан бирга, компания талабаларга имтиҳонларни топириши учун барибир заводида ишлаши керак бўлган даврда дам олиш кунлари бериши мумкин ва одатда беради.

Йилнинг маълум вақтларида фаол даврга эга бўлган ўрганиш соҳалари мавжуд. Бунга мисол қилиб қишлоқ ҳўжалигини келтириш мумкин (биз учун бу таълим йўналиши — “Виночилик ва саноат узумчилиги”). Бундай ҳолларда ўқув ва амалий машғулотларни самарали уйғунлаштириш мақсадида уч томон, яъни корхона, институт ва талаба томонидан махсус ҳадвал тузилади.

Кадрлар тайёрлашнинг флагман ва тажриба йўналиши

Институтда дуал таълим бўйича кадрлар тайёрлашнинг флагман ва тажриба йўналиши “кимёвий технология (тармоқлар бўйи-

ча)”дир. Бунда асосий вазифа потенциал ишлаб чиқариш ҳамкорлари билан боғланиш ва уларни дуал таълим концепцияси билан таништириш, уларни қонунчилик базаси, молиявий масалалар, педагогик талаблар ва бутун маъмурий тартиб ҳақида маълумот беришдан иборат. Бу дуал таълим ҳаётийлигининг биринчи синов бўлади.

Натижада кўплаб директорлар, менежерлар, кадрлар бўйича менежерлар ва техник раҳбарлар Тошкент кимё-технология институти билан биргаликда ўз компаниясида дуал таълимни йўлга қўйиш учун молиявий, инсоний ва бошқа ресурсларни йўналтира олади.

Сир эмас, минтақада муҳим иқтисодий операторлар бўлган бир қанча асосий ҳамкорлар мавжуд, уларнинг баъзилари бутун дунёда таниқли. Улар ўзларининг яхши тажрибасига эга бўлган, уни бошқа компаниялар билан баҳам қўришдади ва уларнинг тажрибаси дуал таълим дастурини бошқа бизнесларга кенгайтиришга ёрдам беради.

Ҳамкорлар ўртасидаги алоқа учта жараёнга — институтдаги дастурлар бўйича ҳамкор компаниялар вакиллари ва маъсул шахслар билан йиллик учрашув, ҳар бир семестр охирида талабалар тақдими (қоида тариқасида шерикнинг ҳудудида бўлиб ўтади ва унда институтдан бир киши иштирок этади), институт ҳамда талаба ўртасида расмий ва мунтазам мулоқот қилиш кабиларга асосланади.

Доимий мулоқот институтимизда дуал таълимни сақлаб қолиш ва ривожлантиришнинг муҳим воситасидир.

Қисқа муддатли кооператив таълим — дуал таълим амалиётига йўналтирилган таълим соҳасининг ишонли, юқори самарали шакли бўлиб, қатор афзалликларга эга. Муҳим хусусият шундаки, талабалар ушбу ўқув шаклига фақат институтда ўқишнинг бошида, яъни биринчи семестрда киришлари мумкин, кейинкор эмас (алоҳида ҳолларда, иккинчи семестрда ҳам мумкин, аммо бу истисно ҳисобланади). Бироқ талабалар қатнаша олмайдиган алоҳида холатлар мавжуд. Буларнинг барчаси ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Аммо бу қисқа муддатда бошқа турдаги кооператив таълимини шакллантириш заруратини тудиради. Маъзур таълим “қисқа муддатли қўшма таълим” деб аталади ёки “ҳамкорликдаги шогирдлик” дейилиши мумкин.

Дуал таълим — институтимизнинг тажриба лойиҳаси. Уни кенг тарғиб қилиш, кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш муассасанинг ривожланиш режасидир.

Хўш, бу таълим тизими нима беради? Аввало, талабаларнинг малака ва кўникмаси ошади, тегишли мотивация уларнинг шахсий ривожланишини сезиларли даражада тезлаштиради. Дуал таълим талабани нафақат молиявий манфаатдор қилади, балки илҳомлантирувчи иш муҳити уни порлоқ келажақ учун ақл ва тафаккур билан мақсадли ҳаракат қилишга ундайди.

Икки томонлама таълим академик муҳандислик таълимига катта ҳисса қўшади, бу эса замонавий меҳнат бозори талабларига жавоб беради. Шунингдек, битирувчилар муваффақиятли иш учун қўламли кўникма ва билимларни чуқурроқ эгаллайди.

Асосийси, дуал таълимни жорий этиш корхоналар ва институт ҳамкорлигини мустаҳкамлайди. У таълим, хизмат кўрсатиш ва таъдиқот фаолиятини, жумладан, мутахассислар томонидан тақлиф қилинган маърузалар, ўқув кўрсатма, қўлашма ҳамда дарсликларнинг янги авлодини яратишга асос бўлади. Талабалар, магистрлар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрланишида қўл келадиган амалий аҳамиятли илмий мавзуларнинг шакллантирилиши ҳамда ҳамкорликдаги илмий лойиҳаларнинг бажарилишига туртки беради.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, техника ва педагогика фанлари доктори, профессор.

РЕКЛАМА

МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 8 ноябрдаги ПК-389-қарорига асосан Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлинмалари Ўзбекистон Адаптив спорт турлари ассоциациясининг ҳудудий бўлинмалари сифатида қайта ташкил этилди.

Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ҳузуридаги Паралимпия спорт турлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш институти Адаптив жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти сифатида қайта рўйхатдан ўтказилди.

Қайта ташкил этилган бўлинмалар ҳамда институт олдингиларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, шунингдек, шартномалари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар
ТАФСИЛОТЛАР

Ажиниёз музейи очилди

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида қорақалпоқ мумтоз адабиётининг ёрқин намунасида Ажиниёз Қўсийой ўғли таваллудининг 200 йиллиги муносабати билан Ажиниёз музейи очилди.



Музейнинг бир бурчаги институт ҳаётига бағишланган бўлиб, бу ерда шу йил 90 йиллик тўйини нишонлаётган Қорақалпоғистон Республикасидаги дастлабки олий таълим муассасаси — Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти тарихи, бугуни тўғрисида сўз юритувчи экспонатлар, хронологик фотогалереялар, олийгоҳни бошқарган ректорларнинг портретлари билан танишиш мумкин.

Иштирокчилар музейдаги экспонатлар билан танишиб, уни ташкил этишда меҳнат қилган фидойи инсонларга миннатдорлик билдирди. Меҳмонлар музейнинг эсдаликлар китобида ўзларининг самимий тилакларини ёзиб қолдирди.

Анжуманда институт талабалари ҳамда “Тўмарис” халқ ансамбли аъзолари ижросидаги концерт дастури намойиш этилди.

Санъатга ихлосманд ёш авлод учун!

Бухоро вилоятининг Когон туманидаги Когон маҳалласида 15-маданият маркази таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

Бугун юзга яқин ёш авлод вакилларини қамраб олган ушбу марказда мусиқа ҳамда санъатга ихлосманд баркамол авлод учун рақс, анъанавий чолғу асбоблари, доирачилар тўғрақлари фаолият юритади. Бунинг учун эса барча зарур жиҳозлар билан таъминланган. Бу ерда 60 ўринли кинозал ҳам мавжуд.

Марказнинг очилиш тадбирида ушбу маскан ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда, истеъдодли йигит-қизларни тарбиялашда муҳим ўрин тутуши қайд этилди.

Иштирокчилар марказ ҳудудидаги ер майдонида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида мева-вали ва манзарали дарахт кўчатлари екишди.

«Китобсевар миллат»

Журналистлар уюшмаси томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган “Китобон болалар” ҳамда “Дунё даҳолари” руқнида чоп этилган ўн нондаги китобларнинг республикаси бўйлаб тақдимот тадбирлари ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Хоразм вилояти Маҳмуд Замахшарий номидаги ахборот-кутубхона марказида ташкил этилди.

“Китобсевар миллат” шiori остида ўтган китоблар тақдимида сўзга чиққанлар бугунги глобаллашув жараёнида ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол қилиб ўстиришда китобларнинг ўрни катта экани, жумладан, тақлиф этилаётган нашрлар ҳам болалар ва ўсмирларнинг ақли, маънавий юксалишига катта хизмат қилишини таъкидлади.

Тадбирда вилоят ва туманлар ахборот-кутубхона марказлари, вилоятдаги Президент, ижод, спорт ва ҳудудий ихтисослаштирилган мактабларга 10 номдаги 540 дон китоб совға қилинди.

Янги тизим қўшлар нобуд бўлишининг олдини олади

Навоий вилоятининг Тонди туманида қурилаётган 500 МВт қувватли шамол электр станцияси парраклари ҳудудга бургут ва калхат каби қушлар кириб келишида уларга хавф туғдирмаслик учун автоматик равишда тўхтайди.

Энергетика вазирлигининг расмий телеграм каналда маълум қилинишича, БААнинг “Масдар” компанияси сунъий интеллект орқали ўзининг шамол турбиналарига ўрнатилган датчиклари ёрдамида бургут ва калхат каби қушларнинг шамол паррагига урилиб нобуд бўлишининг олдини олишда автоматик тарзда ўз иш фаолиятини тўхтатиш тизим устида иш-лаётгани ҳақида фильм тайёрлади.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда барпо этилаётган барча шамол электр станцияларида ушбу тизим ўрнатиляпти ва улар мана шу тизим асосида ишлайди.

«Халқ сўзи».

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР ОБИДА



Маданий мерос

Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги хабарига кўра ушбу агентлик томонидан тақдим этилган лойиҳа дунё бўйлаб ўтказилган саралаш босқичида танлаб олинди.

Маданий мерос агентлиги Марказий Осиё таъдиқотлари халқаро институти (ИКАС)нинг техник кўмагида маҳаллий ҳунармандлар ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда Шердор мадрасаси фасадида консервация ва реставрация ишларини амалга оширади.

АҚШ Самарқанддаги Шердор мадрасасида консервация ва реставрация ишларини амалга оширишга қаратилган лойиҳани қўлаб-қувватлаш учун 500 минг доллар миқдорида маблағ ажратди.

Лойиҳа сифати ҳамда самарадорлигини ошириш учун хорижлик мутахассислар ҳам тақлиф этилади. Ҳамкорлар агентлигининг дунёнинг етакчи олимлари билан мулоқот ўрнатиши, лойиҳа жараёнида эришилган илмий ҳулосаларни кенг тарғиб қилишга кўмаклашади.

— Биз Регистон майдонидаги гўзал ва рамзий Шердор мадрасасининг консервация ишларида иштирок этаётганимиздан хурсандимиз. Ушбу сайё-ҳаракатлар бу муҳим ёдгорликни келгуси авлодлар ва бутун инсоният учун сақлаб қолишда ёрдам беради, — деди АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жонатан Хеник.

Маданий мерос агентлиги директори Баҳодир Абдиқаримовнинг фикрича, Шердор

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 11 278 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетани ҳақиқат маълумотларни олиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Тахриратта келган қўлашмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўлазиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.

Газета тахриратта компьютер марказида терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.08 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6